



IX-XII АСРЛАРДА РЎЙ БЕРГАН БИРИНЧИ РЕНЕССАНС ДАВРИДА ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ

Борамбаев Айбек

Тошкент ислом институти талабаси

Аннотация: Мазкур мақолада IX-XII асрларда рўй берган биринчи ренессанс даврида ислом цивилизацияси ва ренессанс сўзининг кирип келиш тарихи ва бунга доир маълумотлар.

Калит сўзлар: Ренессанс, Мусулмон ренессанси шаклланишининг ижтимоий-тарихий омиллари, IX-XII асрларда ислом дини ва сўфийлик.

Ренессанс: Цивилизация тарихида “Ренессанс” деган тушунча бор. Асли французча бўлган бу сўзни русчага “Возрождение” деб таржима қиладилар. “Возрождение” тикланиш маъносига туғри келади. Ўзбекчага эса бу “уйғониш” деб қабул қилинган.

Ренессанс — Возрождение Ғарбда инсоният тарихининг мумтоз даври ҳисобланиб келадиган қадим юнон, рим маданиятига — антик маданиятга нисбатан айтилган бўлиб, бутун бир даврни камраб олади. Унинг чегарасини Шарқда IX-X асрдан, Ғарбда XIV-XV асрдан белгилайдилар. Биринчи бор уйғониш атамаси (итальянча-франсузча “ренахиссанс”- уйғониш)ни италиялик ёзувчи Ж. Бокаччо Джотто ижодига қарата “У антик санъатни уйғотди” деб ишлатган эди.



Бутун бир даврни англатувчи тушунча сифатида санъат тарихчиси Ж. Вазари (1511-1574 й.) тарафидан унинг “Машхур санъаткорлар ҳаётидан лавҳалар» номли китобида (1550) тилга олинган. Бу тушунча биринчи пайтда антик маданият анъаналарини Италияда “минг йиллик ёввойиликдан сўнг тикланишини англатиб, сўнгра илмий тадқиқотларда кенг ишлатила бошланди. Ва унинг бош хусусияти, мутахассислар фикрича, шаҳар маданиятининг гуркираб ўсиши, илм ва ижод эгаларига хос қомусийлик, гуманизмнинг ижтимоий-маънавий турмушнинг барча жабҳаларига кириб боришидир.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритиши туфайли халқимизнинг асрий орзуси ушалди, ўз тақдири ва келажагини ўзи яратадиган бўлди. Тарихан қисқа даврда жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида кескин бурилиш ясади. Мамлакатимизни модернизация қилиш, фаол демократик янгиланишларни амалга ошириш билан боғлиқ бир қатор ислохотлар ўтказилди. Жумладан, ана шу буюк ўзгаришларни асрлар давомида орзу қилган халқимизнинг кўхна тарихига бўлган муносабати тубдан ўзгарди.

Я. Бурхарт Уйғониш (Ренессанс)ни алоҳида типдаги маданият деб баҳолади.

Масалага қизиқиш ортиб, илмий изланишлар кўпая боргани сайин уйғониш тушунчаси, бу давр маданиятининг хронологик ва географик чегаралари, уни даврлаштиришга оид турлича фикрлар билдирила бошланди. Ё, Хейзинг ўзининг «Ўрта асрчиликнинг куз фасли» асарида уйғониш даврини ўрта аср маданиятининг интиҳо даври деб ҳисобласа, бошқа олимлар янги давр маданиятининг бошланиши деб санайдилар.

Кўпчилик олимлар Европа уйғониш классик тарзда даврлаштириб у XIV-XVI асрларга хос деб билсалар, бошқалар бир мунча илгарироқ XII аср — Каролинглар



Ренессансидан бошлаб Испания, Италия шимолидаги мамлакатларда эса (Шимолий уйғониш) XVII аср билан якунлайдилар.

Ғарб ренессанси Европада XIV-XVI асрларда Оврўпада рўй берган янги иқтисодий жараён, яъни буржуа муносабатларининг вужудга келиши туфайли юзага келган маданий юксалиш, уйғониш давридир. Бу давр таълим жараёни жонланган, савдо, санъат, мусиқа, илм ва адабиёт гуллаб-яшнаган даврдир. Ғарб уйғониш даврида Оврўпа ҳаёти тубдан ўзгарди. Савдо алоқалари, ишлаб чиқариш ва тижоратнинг ривожланиши туфайли шаҳарлар жадал суратларда юксалди. Пуллар зарб этила бошланди. Кичик давлатчалар ўрнига буюк давлатлар пайдо бўлди. Шаҳарларнинг сони ортиб бориши натижасида уста ва ва ҳунармандлар, савдогарлар ва банкирлар каби аҳоли қатламлари вужудга келди.

Жамият ҳаётида шаҳарлар ролининг кучайиши, яъни шаҳарнинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги аҳамиятининг ошиб бориши, савдо алоқаларининг авж олиши, ҳунармандчиликнинг тараққий этиши билан ҳисобчи, ҳуқуқшунос, муҳандислар, техниклар, ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа ўқимишли одамларга нисбатан талаб кучая борди. Шундай қилиб, шаҳарларда ақлий меҳнат билан шуғулланувчи кишиларнинг алоҳида тоифаси интеллигенция пайдо бўлади. Шаҳарларда черков назоратидан ташқарида фаолият олиб борадиган фан ва санъат марказлари вужудга кела бошлади.

Янгича дунёкарашнинг шаклланиши ўз навбатида антик даврга мурожаат этишни тақозо қилди. XI аср ўрталарида китоб чоп этишнинг ихтиро қилиниши антик давр меросини янгича талқинда бутун Оврўпа бўйлаб тарқалишида муҳим рол ўйнади. Аммо Оврўпа уйғониш маданиятининг асосий ва муҳим хусусияти гуманизм эди. Бу давр маданиятида гуманистик (инсонпарвар), инсонни диққат марказига қуявчи ғоялар биринчи ўринга чиқади. Бу инсоннинг ижодий қобилиятларини, ақл-идроки, эркинлигини олий қадрият деб биладиган ижтимоий-фалсафий қарашдир.



Умумий тарихдан бизга маълум, милодий IX-XII асрлар (баъзи манбаларда милодий VIII-XII асрлар) Шарқ уйғониши даври деб аталади. Швецариялик шарқшунос Адам Метс (Смит) ўзининг “Мусулманский ренессанс” асарида бу даврни мусулмон ренессанси деб номлаган, лекин буни баъзи ғарблик тарихчилар инкор этадилар ва уйғониш даври деб XVI асрда Оврўпада бошланган, аслида мусулмон уйғониш даврининг таъсири остида дунёга келган Ғарб ренессансини ҳақиқий ренессанс деб тан оладилар.

Лекин бугунги кунимизга келиб аксарият манбаларда Ғарб ренессанси инкор этилмагани ҳолда, тарихга ҳолис баҳо берилиб, мусулмон ренессанси Ғарб уйғониши учун тамал тоши вазифасини бажарганини таъкидлаб ўтилади.

Мусулмон уйғониш даврига баъзи Ғарб тарихчилари олтин давр - “те голден аге” дея таъриф беришади, чунки бу давр илм-фан, технология ва мислсиз ихтиролар даври эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Марказий Осиё мутафаккирлари. Тузувчилар С.Аъзамхужаев, М.Зикруллаев, С.Саиджалолов, Ш.Шожалилов, Д.Муминов. Янги нашр, 2011.
2. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий. Тупловчи ва нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев. Фан, 1966.
3. Абдуҳалимов Б. Байт ул-ҳикма ва Марказий Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти: 9-11 асрларда аниқ ва табиий фанлар. — Т. Ўзбекистон, 2010,
4. Аҳмедов, Аҳмедов Б. Б. Тарихдан сабоқлар.-Т. Самар Ўқитувчи, 1994.



5. Аҳмедов Б.А. Салжукийлар давлати Тарихдан сабоқлар. -Т. 1994.-5. 424.
6. Аҳмедов М.К. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи: Олий ўқув юртлари учун ўқув кулланмаси. -Т. Ўзбекистон, 1995. Б. 130-135
7. Аҳмедова Н, Ҳамраев Ф. Мусиқа ўқитувчиларининг касбий маҳоратини оширишда “Шошмақом”нинг узлуксиз имитацион моделидан фойдаланиш // Uzluksiz tallim.— 2013. - N 5.- 5. 27-34
8. Буриев О, Вахобова Б. Ёзма манбалар ал-фарғоний ҳақида. _Т. ФАН. 1998.-5. 35-40,
9. Зиёдов Ш, Абу Мансур аль-Мотуридий ва унинг “Китоб ат-таъвилот” асари. —Т.: Фан, 2009